

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ЧОРШАНБИЕВ ФАРХОД МАХМАТМУРОДОВИЧ

**ЗИРК (*BERBERIS L.*) ЎСИМЛИГИНИ БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА
КЎПАЙТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**06.03.01 – Ўрмон экинлари. Селекция, уруғчилик ва шаҳарларни
кўкаламзорлаштириш. Ўрмонлар агромегиорацияси ва химоя
ўрмонларини барпо этиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2018

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on agricultural
sciences**

Чоршанбиев Фарход Махматмуродович

Зирк (*Berberis L.*) ўсимлигини биоэкологияси ва уни кўпайтириш

технологияси..... 3

Чоршанбиев Фарход Махматмуродович

Биоэкология и технология размножения барбариса (*Berberis L.*)..... 19

Chorshanbiev Farkhod Makhmatmurodovich

Bioecology and the technology of breeding of Barberry (*Berberis L.*)..... 35

Эълон қилинган ишлари рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 39

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ЧОРШАНБИЕВ ФАРХОД МАХМАТМУРОДОВИЧ

**ЗИРК (*BERBERIS L.*) ЎСИМЛИГИНИ БИОЭКОЛОГИЯСИ ВА УНИ
КЎПАЙТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

**06.03.01 – Ўрмон экинлари. Селекция, уруғчилик ва шаҳарларни
кўкаламзорлаштириш. Ўрмонлар агромегиорацияси ва химоя
ўрмонларини барпо этиш**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2018

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Qx195 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қайимов Абдихалил

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каримов Фарход Исамиддинович

биология фанлари доктори

Файзиев Жамолиддин Носирович

қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2018 йил 6 октябр соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz. Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (535598-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2018 йил 17 сентябрда тарқатилди.
(2018 йил 28 августдаги 1-рақамли реестр баённомаси).

Б.А. Сулаймонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

Я.Х. Юлдашов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, қ.х.ф.н., доцент

М.М. Адилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, қ.х.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида ноанъанавий резавор мевали бутасимон ўсимликларни маданийлаштириш, уларнинг мелиоратив, дориворлик ва манзаравийлик хусусиятларидан янада тўлароқ фойдаланиш, улардан табиий дори-дармонлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Булар орасида зирк (барбарис) турлари ўсимлик дунёсида фойдали хусусиятлари ва амалиётда фойдаланиш кўламига кўра Европа ва МДХ мамлакатлари Фармакопеясига киритилган қимматли ўсимлик ҳисобланади. Бугунги кунда зиркни саноат миқёсида ўстириш ва экспорт қилиш бўйича Эрон биринчи ўринни эгаллаб турибди: йилига 360 тонна зирк мевалари терилади ва 31 давлатга экспорт қилинади¹.

Россия Федерациясида зирк турларидан резавор мевали ўсимлик сифатида фойдаланиш кўлами ортиб бормоқда. Зирк мевалари – озиқ-овқат саноати учун қимматли хом-ашё ҳисобланади. Бу ўсимлик берберин алкалоидига бой ҳисобланади, қорақанд зирк (*Berberis oblonga* L.) туридан 15 га яқин алкалоидлар ажратиб олинган, илдиз пўстлоғида 2% га яқин берберин мавжудлиги аниқланган. Зирк турлари қизғиш, тилласимон-сарик рангли баргларига эга ва улардан кўкаламзорлаштириш ва ландшафт дизайнида кенг фойдаланилмоқда.

Ўрмон фонди ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, доривор ва озиқабоп ўсимликларнинг экин майдонларини кенгайтириш ва экспортни кўзда тутувчи жаҳон стандартларига мос маҳсулотларини етиштириш катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасининг 2017–2021 йилларга мўлжалланган Харакатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалигида экин майдонлари ва экинлар таркибини оптималлаштириш, илғор агротехнологияларни жорий этиш ҳамда ҳосилдорликни ошириш...» муҳим стратегик вазифаларидан бири қилиб белгилаб берилган². Бу борада доривор ва озиқабоп ўсимликларни биологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда стандарт кўчатларини етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича илмий тадқиқот ишларини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади. Зиркнинг истиқболли шаклларини танлаш, баҳолаш, кўпайтириш имкониятларини аниқлаш, кўчатларини етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш ўрмон хўжалиги учун долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 5 августдаги 222-сон «Доривор ўсимликшунослик ва янги дори воситаларини ишлаб чиқариш корхоналарини ташкиллаштириш учун доривор ўсимликларни саноат миқёсида плантацияларини яратиш» тўғрисидаги қарори, 2015 йил 19 январдаги 5-сон «2015-2017 йилларда ўрмон хўжаликлари тизимини ривожлантириш, доривор ва озиқабоп ўсимликлар хомашёсини етиштириш, тайёрлаш ва қайта ишлашни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги

¹ www.iransegodnya.ru

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

йиғилиш баёнининг қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти Республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Зиркни кўпайтириш, кўчатларини етиштириш ва плантацияларида ўстириш технологиясини такомиллаштириш, селекцияси, ресурслари, биокимёвий таркибини ўрганиш бўйича Россия, Эрон, Украина, АҚШ мамлакатларида В.Ю. Жиленко, И.Э. Аكوпова, А.И. Потапальский, В.Д. Васильева, А.И. Шретер, А.И. Цесько, Л.А. Сдобникова, О.Н. Виноградова, М.Г. Николаева, А.С. Лозина-Лозинская, Н.М. Павлова, Л.Н. Слизык, В.А. Пугач, Е.Ј. Cenner, Р. Rudolf, W.A. Ahrendt каби олимлар томонидан кенг қамровли изланишлар олиб борилган³. МДХ да, жумладан Ўзбекистонда зирк (*Berberis L.*) туркуми илк бор Б.А. Федченко томонидан флористик таҳлил этилган.

Зирк турларининг тарқалиши, табиий ресурслари, биологияси, экологияси, интродукцияси, маданий шароитларда ўстириш имкониятларини ўрганиш ботаник олимлар – К.З. Закиров, К.Т. Арифханов, Т.И. Славкина, М.К. Туляганова, К.С. Сафаров, Э.Т. Бердиев каби олимлар томонидан амалга оширилган.

Зирк турларининг биокимёвий таркиби, фармакологик фаоллиги, алкалоидлари, улар асосида тайёрланган препаратлар ва улардан тиббиётда фойдаланиш имкониятлари И.Э. Акопов, Т.З. Джумабаев, И.И. Ибрагимов, А.К. Каримов, М.В. Тележенецкая, К.Л. Лутфуллин, С.Ю. Юнусов, Х.Х. Холматов, Т.К. Қосимов каби олимлар томонидан амалга оширилган.

Мазкур тадқиқот натижаларининг таҳлили Ўзбекистонда зиркни кўпайтириш ва кўчатларини етиштириш технологиясини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар етарлича ўтказилмаганлигини кўрсатди. Бу муаммони ҳал қилиш мақсадида илмий изланишлар олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Диссертация мавзусини диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университетининг илмий тадқиқот ишлари режасининг ҚХА-7-055 «Ўзбекистонда наъматак, зирк ва чаканданинг биохилма-хиллиги, истиқболли шаклларини танлаш, селекцион баҳолаш ва кўпайтириш усулларини ишлаб чиқиш» (2012-2013 йй.), И-ҚХ-2017-42 «Ландшафт дизайни учун мавсумий гулловчи буталар асосида она коллекция яратиш» (2017-2018 йй.) мавзусидаги амалий ва инновацион илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон флорасида зирк (*Berberis L.*) туркумидаги маҳаллий турлар – қорақанд зирк (*Berberis oblonga*), қизил зирк

³ <http://flower.onego.ru/kustar/berber.vhtml>

(*Berberis integerrima*), тангасимон зирк (*Berberis nummularia*)ининг истикболли шакллари танлаш ва баҳолаш, уруғидан ҳамда вегетатив кўпайтириш, кўчатларини етиштириш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

зирк туркумининг биологияси, экологияси ва тарқалишини аниқлаш;
зирк туркумидаги биохилма-хилликни ўрганиш ва истикболли шакллари танлаш ҳамда уларни селекцион баҳолаш ишларини ўтказиш;
зирк турларининг истикболли шакллари биокимёвий таркибини аниқлаш;
зирк турлари буталарининг манзаравийлик хусусиятларини баҳолаш;
зирк турлари мева ва уруғларининг морфологиясини аниқлаш;
зирк турларини уруғидан кўпайтириш имкониятларини ўрганиш, уруғкўчатларини етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш;
зирк турларини вегетатив кўпайтириш усулларини ўрганиш ва уруғкўчатларини етиштириш имкониятларини аниқлаш;
зирк уруғкўчатлари етиштириш иктисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон флорасида табиий ҳолда ўсаётган зирк (*Berberis L.*) туркумидаги маҳаллий турлар – қорақанд зирк (*Berberis oblonga*), қизил зирк (*Berberis integerrima*), тангасимон зирк (*Berberis nummularia*) ва кўкаламзорлаштириш учун интродукция қилинган оддий зирк (*Berberis vulgaris*), Тунберг зирки (*Berberis Thunbergii*), Юлиана зирки (*Berberis julianae*) турлари ҳамда уларнинг хўжалик-биологик қимматли белгиларга эга шакллари, мусбат буталари, уруғкўчатлари, бута манзаравийлиги олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб зиркнинг мевалари, уруғлари, новда қаламчалари, уларни экиш олди тайёрлаш услуги, уруғкўчатлари, новда қаламчалардан илдиз олдирилган кўчатлари, минерал ўғитлар меъёрлари, манзаравийлик хусусиятлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала ва ишлаб чиқариш тажрибаларини ўтказиш, уруғ ва новда қаламчаларини тайёрлаш, уруғларни сифат кўрсаткичларини аниқлаш, кўчатларни парваришлаш, стандарт кўчат чиқишини ҳисоблаш, истикболли шакллари танлаш ва баҳолаш 3317–90 (QzDSt 322.15.04.2009), «Сеянцы деревьев и кустарников», 26869–86 (QzDSt 322.15.04.2009) «Сажены декоративных кустарников», давлат стандартлари ва «Программа и методика сортоизучения плодовых, ягодных и орехоплодовых культур» (1999) услубий қўлланмаси талаблари асосида амалга оширилди. Зирк турларининг манзаравийлик хусусиятларини ўрганиш ва баҳолашда Н.И. Штонда (2012) услубидан фойдаланилган. Дала тажрибаларида олинган натижалар статистик таҳлили Microsoft Excel компьютер дастури ёрдамида Б.А. Доспехов тавсия қилган услуб бўйича ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илк бор ғарбий Тянь-Шанда зиркнинг 10 та, хўжалик-биологик қимматли белгиларга эга мусбат шакллари танланган, комплекс баҳоланган ва селекция мақсадлари учун бирламчи манбалар ажратилган;
зирк шакллари меваларининг биокимёвий таркиби аниқланган;
зирк турлари буталарининг манзаравийлик хусусиятлари баҳоланган;

Ўзбекистонда зирк (*Berberis L.*) туркумидаги турларни биоэкологияси, мева ва уруғларини морфологияси, маҳсулдорлиги ва уруғларининг унувчанлиги ҳамда ниҳолларининг ривожланиш хусусиятлари аниқланган;

зирк уруғларини териш, стратификациялаш, экиш муддатлари ва кўчатларни парваришlashда минерал ўғитларнинг мақбул меъёри аниқланган; зирк турларини вегетатив кўпайтириш имкониятлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Ўтказилган лаборатория ва дала тажрибалари асосида қуйидаги амалий натижалар олинди:

зиркнинг уруғларини териш, экиш олди сақлаш, стратификация қилиш ва экишнинг мақбул муддатлари аниқланди;

зирк уруғкўчатларини етиштиришда юқори миқдорда стандарт уруғкўчатлар чиқишини таъминловчи минерал ўғит меъёри аниқланди;

доривор ўсимлик сифатида ўстириш учун зирк (*Berberis L.*) туркумидаги 3 та тур орасидан муҳим хўжалик-биологик хусусиятларига кўра 10 та энг яхши ҳосилдор, йирик мевали ва серуруғ мусбат шакллар ажратилди;

танланган шаклларни комплекс баҳолаш орқали селекция мақсадлари ва ишлаб чиқариш учун 4 та истиқболли шакллари ажратилди;

зирк турларининг 2 йиллик уруғкўчатларини етиштириш бўйича ҳисоб-технологик карта тузилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган илмий тадқиқот натижаларини илмий лойиҳалар доирасида бажарилганлиги, ТошДАУ апробация комиссияси томонидан дала тажрибалари ҳолати ва бирламчи маълумотларнинг ижобий баҳоланганлиги, тадқиқот натижалари бўйича тузилган оралиқ ва якуний ҳисоботларни ТошДАУ ва ЎзҚХИИЧМда муҳокама этилганлиги, лойиҳалар бўйича ҳисоботларни тақриз қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларда маърузалар қилинганлиги, тадқиқот натижалари ЎзР ОАК томонидан рўйхатга олинган илмий журналларда чоп этилганлиги, улар асосида тавсиянома тузилганлиги ва ишлаб чиқариш амалиётига жорий этилганлиги, натижаларини тасдиқловчи 5 та далолатномаларнинг мавжудлиги, тадқиқотлар жараёнида олинган дала, лаборатория ва экспедициядан олинган маълумотлар замонавий компьютер технологияларидан фойдаланган ҳолда статистик таҳлилдан ўтказилганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти республикада плантациялар барпо этиш учун зиркнинг 10 та истиқболли шакллари, кўкаламзорлаштириш учун 4 та истиқболли турлари танланганлиги, уларни уруғидан ва вегетатив кўпайтириш усуллари ва стандарт кўчатларини етиштириш технологиясини илмий асосланганлиги, 2 та Республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар форумида намоиш қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотларнинг амалий аҳамияти зирк уруғларини териш ва экиш учун мақбул муддатлари ҳамда уруғкўчатларни етиштиришда юқори миқдорда стандарт кўчатлар чиқишини таъминловчи минерал ўғитларнинг мақбул меъёрлари аниқланган. Кўчатзорда 2 йил давомида зиркнинг стандарт

кўчатларини жадал етиштириш технологияси ишлаб чиқилган. Бунинг натижасида ўрмон хўжаликларида кўчатзорда етиштирилган ялпи кўчатларнинг 80% дан ортиқ қисми стандарт кўчатлар сифатида шаклланиши учун имконият яратилган.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Зирк турларини кўпайтириш ва стандарт кўчатларини етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимидаги ўрмон хўжаликлари учун «Зиркни кўпайтириш ва плантацияда ўстириш бўйича тавсиянома» ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2018 йил 3 майдаги 03/18-1190-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома доривор ўсимликлар етиштиришга ихтисослашган фермер хўжаликларида ҳам қўлланма сифатида хизмат қилган;

зиркнинг стандарт кўчатларини етиштириш технологияси Оҳангарон давлат ўрмон хўжалигининг 0,04 гектар кўчатзоридида жорий қилинган (Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2018 йил 3 майдаги 03/18-1190-сон маълумотномаси). Натижада зирк турларининг (*Berberis oblonga*, *Berberis integerrima*, *Berberis nummularia*) 12 мингдан ортиқ уруғкўчатлари етиштирилган, гектарига 733099,85 минг сўм иқтисодий самарадорлик олишга эришилган;

интродукция қилинган зирк турларини кўпайтириш технологияси Тошкент вилоятининг «Саксонота» давлат ўрмон ишлаб чиқариш корхонасининг 0,30 гектар майдонида жорий этилган (Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2018 йил 3 майдаги 03/18-1190-сон маълумотномаси). Натижада она коллекция 4 та зирк турининг 120 та кўчатлари билан бойитилган;

зиркнинг уруғидан кўпайтириш ва уруғкўчатларини етиштириш технологияси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тошкент Ботаника боғининг 0,02 гектар кўчатзоридида жорий этилган (Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2018 йил 3 майдаги 03/18-1190-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида Ботаника боғида зирк генофондини бойитишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация доирасида олиб борилган илмий тадқиқот ишларининг натижалари 7 та, жумладан 1 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация ишининг илмий натижалари 17 та илмий ишларда ўз аксини топган. Уларнинг 7 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан рўйхатга олинган илмий журналларда (1 таси хорижий журналда), 7 таси конференция тўпламларида, шунингдек 1 та монография, 1 тавсиянома ва 1 та ўқув қўлланма чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган. Мавзунинг республика фан ва технологияларни ривожлантириш устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Илмий тадқиқотнинг янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти атрофлича ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Зирк (*Berberis L.*) ўсимлигини биоэкологияси ва маданийлаштиришнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобда мавзу бўйича маҳаллий ва хорижий илмий манбалар, интернет маълумотлари ҳамда олимларнинг илмий ишлари ўрганилиб, ўтган асрнинг 40-йилларида зирк турларининг витаминли таркибининг илмий асосланганлиги, систематикасини такомиллашганлиги, биологик ва биокимёвий хусусиятлари, селекцияси, кўчатларини етиштириш, уруғидан ва вегетатив кўпайтириш, плантацияларини барпо этиш ва кўчатларни парваришlash агротехникаси бўйича ўтказилган илмий тадқиқот натижалари таҳлил этилган ҳамда мавзунинг долзарблиги асосланган. Зирк турларининг биологияси, экологияси ва географик тарқалиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотнинг ўтказиш шароити, дастури ва услублари**» деб номланган иккинчи бобда тадқиқотлар ўтказиш шароити, тадқиқотларни ўтказиш дастури ва услублари баён этилган. Тадқиқотлар ўтказилган жойнинг рельефи, гидрологияси, иқлими ва тупроқ шароитлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Зирк уруғларининг мағзини ҳаётчанлигини аниқлаш QzDSt 322.15.04.2009 (ГОСТ 13056 7–68) «Семена деревьев и кустарников. Методы определения жизнеспособности» стандарт талаблари асосида амалга оширилган. Зиркнинг 1000 дона уруғларининг оғирлиги QzDSt 322.15.04.2009 (ГОСТ 13056.4–67) «Методы определения массы 1000 семян» стандарт талабларига биноан аниқланган.

Зиркнинг уруғкўчатлари QzDSt 322.15.04.2009 (ГОСТ 3317–90) «Сеянцы деревьев и кустарников» стандарт талаби асосида, вегетатив усулда етиштирилган кўчатлари QzDSt 322.15.04.2009 (ГОСТ 26869–86) «Сажены декоративных кустарников» давлат стандарти талаби асосида баҳоланган.

Уруғлар августдан октябргача 15-20 кунлик ораликда терилган, экилган ва стратификация қилинган. Асосан кузги уруғларни экиш муддатларига эътибор қаратилган. Экиш меъёри—8 г/м (134 кг/га).

Новдадан қаламчалар тайёрлаш ўсимликларни кузги тиним даврига кирганда ва эрта баҳорда – уларда шира ҳаракати бошланмасдан амалга оширилган. Қаламчаларни илдиз олишига кетостин ва гетероауксин стимуляторларининг 0,01% ли эритмасининг таъсири ўрганилган.

Зирк уруғларини экиш эгатлар бўйлаб амалга оширилади. Эгатлар орасидаги масофа 60 см, баландлиги 18-20 см. Уруғ экиш чуқурлиги – 2 см. Уруғлар экилгач эгатлар 2-3 см қалинликда ёғоч қириндиси билан қопланган.

Диссертациянинг «Зирк уруғкўчатларининг истиқболли шакллари танлаш ва баҳолаш» деб номланган учинчи бобида зиркнинг табиий бутазорларида қимматли хўжалик-биологик белгиларига эга мусбат шакллари танлаш, уларни морфологик, биокимёвий ўрганиш ва селекцион ҳамда манзаравийлик хусусиятларини баҳолаш бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

Танланган зирк меваларини морфологик ва биокимёвий ўрганиш оқибатида улар орасидан Сижжак-1, Чимган-7, Чимган-8, Сижжак-10 каби шакллари истиқболли шакллар сифатидан ажратилди. Чимган-7 шаклининг 100 дона меваларини оғирлиги 24,8 г, Чимган-8 шаклининг 100 дона меваларининг оғирлиги 30,1 г, ва Сижжак-10 шаклининг 100 дона меваларини оғирлиги 41,5 граммни ташкил этди.

Сижжак-3 ($12,4 \pm 0,08$ мм узунликда ва $6,3 \pm 0,09$ мм диаметрда), Боғистон-4 ($11,9 \pm 0,11$ мм ва $5,6 \pm 0,08$ мм), Чимган-8 ($11,6 \pm 0,08$ мм ва $6,6 \pm 0,08$ мм), Сижжак-10 ($11,9 \pm 0,14$ ва $7,7 \pm 0,13$ мм) зирк шакллари йирик мевали шакллар сифатида ажратилди (1-жадвал).

1-жадвал

Танланган зирк шакллари мева ва уруғларининг морфологик тавсифи


№	Танланган шакллар номи	Зирк тури	Мева узунлиги, мм	Мева диаметри, мм	Мева оғирлиги, г	100 та мева оғирлиги, г	1 кг мевадан шарбат чиқиши, %	1000 та уруғ оғирлиги, г	Буганинг ўртача ҳосилдорлиги, кг
1	Назорат	<i>(B. integerima)</i>	$8,2 \pm 0,08$	$6,6 \pm 0,11$	$0,2 \pm 0,00$	21.9	67.2	21.2	4.3
2	Сижжак -1	<i>(B. nummularia)</i>	$5,9 \pm 0,05$	$7,1 \pm 0,13$	$0,1 \pm 0,00$	14.5	73.5	11.5	5.5
3	Сижжак-2	<i>(B. integerima)</i>	$9,0 \pm 0,13$	$5,6 \pm 0,10$	$0,2 \pm 0,00$	18	68.5	15.5	3.5
4	Нанай-5	<i>(B. integerima)</i>	$10,2 \pm 0,07$	$7,9 \pm 0,11$	$0,3 \pm 0,01$	31.4	65	32.1	4.3
5	Назорат	<i>(B. oblonga)</i>	$9,9 \pm 0,04$	$5,1 \pm 0,04$	$0,2 \pm 0,03$	20.1	70	14.5	3.8
6	Сижжак-3	<i>(B. oblonga)</i>	$12,4 \pm 0,08$	$6,3 \pm 0,09$	$0,3 \pm 0,00$	29.5	72.5	37.4	3
7	Боғистон-4	<i>(B. oblonga)</i>	$11,9 \pm 0,11$	$5,6 \pm 0,08$	$0,2 \pm 0,00$	25.2	67.8	28.1	4.8
8	Чимган-6	<i>(B. oblonga)</i>	$10,2 \pm 0,06$	$7,7 \pm 0,10$	$0,4 \pm 0,01$	38.7	71.3	21.1	2.7
9	Чимган-7	<i>(B. oblonga)</i>	$10,7 \pm 0,13$	$6,9 \pm 0,09$	$0,2 \pm 0,01$	24.8	69	17.5	3.8
10	Чимган-8	<i>(B. oblonga)</i>	$11,6 \pm 0,08$	$6,6 \pm 0,08$	$0,3 \pm 0,01$	30.1	68	21.2	3.4
11	Чимган-9	<i>(B. oblonga)</i>	$10,7 \pm 0,10$	$6,2 \pm 0,09$	$0,2 \pm 0,01$	24.2	70.1	29.1	4.1
12	Сижжак-10	<i>(B. oblonga)</i>	$11,9 \pm 0,14$	$7,7 \pm 0,13$	$0,5 \pm 0,02$	41.5	64	20.5	3.3

С витамини қизил зирк меваларида 102-176 мг % бўлса, қорақанд зирк меваларида 100-176 мг % С витамини мавжудлиги аниқланди. С витаминига бой зирк буталари сифатида Чимган атрофида ўсиб турган Чимган-6 (185,009 мг %) ва Чимган-8 (176,485 мг %) шакллари кўрсатиш мумкин. В₁ витамини ўрганилаётган зирк шаклларида 0,107-0,220 мг % эканлиги аниқланди. Энг кўп миқдордаги В₁ витамини Боғистон-4 шакл мевасида қайд этилди-0,294 мг %.

К витамини миқдори кўра энг юқори кўрсаткичлар Сижжак-1 (0,674 мг %), Сижжак-10 (0,874 мг %), Чимган-8 (0,899 мг %) шакллари меваларида қайд этилди. Барча шаклларда 1 кг мевасидан 64-73,5 % шарбат чиқиши

имкониятлари мавжудлиги қайд этилди.

Буталарнинг ўртача ҳосилдорлиги 3-5,5 кг атрофида. Ўтказилган морфологик ва биокимёвий тадқиқот натижаларига кўра Сижжак-1, Чимган-7, Чимган-8, Сижжак-10 шакллари истиқболли шакллар сифатида ажратилди (1-расм).



1-расм. Танланган қорақанд зирк шакллари меваларини назоратга нисбатан ўзгарувчанлиги

Энг юқори манзаравийлик хусусиятлари кўрсаткичи Тунберг зирки (94 балл), оддий зирк (96 балл) ва Юлиана зирки (90 балл) турларида қайд этилди. Энг паст кўрсаткич қорақанд ва қизил зирк турларида кузатилди (72-74 балл).

Диссертациянинг «**Зиркни уруғидан кўпайтириш ва уруғкўчатларини етиштириш технологияси**» деб номланган тўртинчи бобида зирк турларининг мева ва уруғларининг морфологияси, уруғларининг униш ва ювенил даврдаги ниҳолларини ривожланиш хусусиятлари, уруғларни териш ва экиш муддатларини унвчанлик ва уруғкўчатлар чиқиш миқдорига таъсири, зирк уруғларини экиш меъёрларини кўчатлар қалинлиги ва сифатига таъсири, зирк уруғкўчатларини сифатини оширишда минерал ўғитларнинг таъсирини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари баён этилган.

Зирк меваси - сершира резавор мева ҳисобланиб, 2 қисмдан - қалин, мустаҳкам ташқи пўстлоғи ва ички серсув, қуюқ мева ширасидан иборатдир. Мева шираси тўқ қизил, (*B. oblonga*), пушти-қизғиш (*B. integerima*, *B. nummularia*) бўлиб, нордон, истеъмолбоп, таркибида қанд, ошловчи моддалар ва кўп миқдорда С витамини мавжуд.

Зирк уруғлари мева ширасида жойлашган. Резавор мевалар шода кўринишида етилади, ҳар бир шодада 8-28 дона (*B. oblonga*), 24-38 дона (*B. Nummularia*) 17-24 дона (*B. integerima*) мевалар ривожланади. 100 та резавор меваларининг оғирлиги *B. oblonga* турида 17-23г, *B. nummularia* турида 14-15г, *B. Integerima* турида 16-20 граммни ташкил этади. Мевалар зирк шохларида бир текисда тақсимланмаган: шох ўрталарида зичроқ, шохлар учида аксинча сийрак ва майдароқ шаклланади.

Зирк мевалари шакли, ранги билан ҳам турли-тумандир. *B. oblonga* мевалари тўқ кўк-қора рангда бўлиб, узунлиги $9,9 \pm 0,04$ мм, диаметри $5,1 \pm 0,04$ мм, шакли чўзинчоқ, эллипссимон. *B. nummularia* мевалари пушти-қизил рангда бўлиб, шарсимон, $6,3 \pm 0,04$ мм диаметрга эга. *B. integerrima* мевалари тўқ-қизил рангда бўлиб шакли чўзинчоқ, цилиндрсимон, узунлиги $9,0 \pm 0,13$ мм, диаметри $5,5 \pm 0,10$ мм га тенг.

B. oblonga уруғлари узунлиги $5,7 \pm 0,04$ мм, диаметри $2,4 \pm 0,03$ мм бўлиб, 1000 дона уруғларининг оғирлиги 13-16 г атрофида, ранги тўқ жигар рангда. *B. integerrima* уруғлари узунлиги $6,0 \pm 0,13$ мм, диаметри $2,9 \pm 0,07$ мм, 1000 дона уруғларининг оғирлиги 15-16 граммни ташкил этади, ранги жигар рангда. *B. nummularia* уруғларининг узунлиги $4,3 \pm 0,07$ мм диаметри $3,2 \pm 0,13$ мм. 1000 дона уруғларининг оғирлиги 11-12 граммга тенг, оч жигар ранг, пушти юпқа пўстлоққа ўралган.

Зирк уруғлари ялтироқ тўқ-жигарранг (*B. oblonga*) ва оч-жигарранг (*B. nummularia*, *B. integerrima*) тўлиқ етилгач майда тўрсимон қобик билан ўралган. Зирк уруғи тўғри уруғмуртақдан иборат бўлиб у уруғ узунлигини 70-90 % қисмини ташкил этади. Зирк уруғларини униш даврини давомийлиги 31-34 кунни ташкил этади. Униш даврини бу каби чўзилиши уруғларни нафақат морфологик жиҳатдан балки тиним даврини узунлиги ва униш кувватига кўра ҳам турлича эканлигини кўрсатди.

Зиркнинг турли буталаридан терилган уруғлар ҳам турлича униш қобилиятларига эга. Зиркнинг янги терилган ва кузда экилган уруғлари 183-205 кундан сўнг, бир йил сақлаб кузда экилган уруғлари кечроқ, 202-213 кундан сўнг униб чиқди. Зирк уруғларини униш қобилиятини сақлаб қолиши ҳам амалий аҳамиятга эга. Сақлаш муддати узайгани сари уруғларни ҳаётчанлиги ва униш қобилиятлари пасая боради. Шунга яраша уруғларнинг 1000 дона оғирлиги ҳам одатдаги оғирлигидан 1,5-2,0 граммга камайиши кузатилади. Уруғларни 2 йилдан сўнг унувчанлиги ва ҳаётчанлиги кескин пасайиб кетиши кузатилади.

Зиркнинг биринчи ниҳоллари уруғ экилган тупроқ қатламида ўртача кунлик ҳароратни $+8^{\circ}\text{C}$ га яқинлашганда униши бошланади. Уруғларни қийғос униши 1-13 апрелга тўғри келади, бу даврда тупроқ ҳарорати $+10$ – $+15^{\circ}\text{C}$ га тенг бўлди. Тупроқ ҳароратини $+10^{\circ}\text{C}$ дан кўтарилиши уруғлар унишини тезлаштирди. Апрель охирида тупроқ ҳарорати уруғлар жойлашган тупроқ қатламида $+23$ – $+24^{\circ}\text{C}$ га тенг бўлганда уруғларни униши ва ниҳоллар пайдо бўлиши буткул тўхтади.

Ўрганилган зирк турлари орасида қорақанд зирк тури секин ўсувчи, қизил ва тангасимон зирк турлари тез ўсувчи турлар сифатида қайд этилди. Август охирларида терилган ва экилган уруғлар тўлиқ пишиб етилмаган мевалардан тайёрланганлиги сабабли униб чиқмади.

Қорақанд зиркнинг сентябр бошида терилган ва 68 кун мобайнида стратификация қилинган уруғларни ноябрда экиш 14,9% униш қобилиятини, сентябр иккинчи ярмида терилган ва мевасидан ажратилгач тупроққа экилган уруғлар баҳорда энг яхши кўрсаткичга эга бўлдилар – 27,4% униш даражаси

қайд этилди.

Бунда 1 гектар кўчатзордан 850,0 минг дона уруғкўчатлар чиқиши таъминланди. Унинг 94,6% ни стандарт уруғкўчатлар ташкил этди. Бу уруғларни 47 кун стратификация қилиш уруғларнинг унишини пасайтирди-12,1% тупроқда униш қобилияти қайд этилди. Қолган барча кеч муддатларда терилган ёки куруқ сақланган уруғларни униш даражасини пасайиб кетиши қайд этилди (2-жадвал).

2-жадвал

Қорақанд зирк (*Berberis oblonga* Rgl.) уруғларини териш ва экиш муддатларини уруғкўчатларнинг чиқиш миқдорига таъсири

Уруғни териш муддати	Уруғни экиш муддати	Экилган уруғлар ҳолати	Уруғларни ҳаётчанлиги, %	Уруғни тупроқда униш кўрсаткичи, %	Вегетация якунида кўчатларнинг баландлиги, см	Кўчатларни ялпи чиқиш миқдори		Стандарт кўчатларнинг чиқиши	
						1 пог м/ дона	1 га/ минг дона	1 га/ минг дона	Ялпи кўчатга нисбатан %
22.08	26.08	Янги терилган	17	Ниҳоллар йўқ					
5.09	24.11	68 кун стратиф.	92	14,9	31.0±1.34	29	483.3	456,7	94,5
26.09	30.09	Янги терилган	93	27,4	28,2±0,85	51	850,0	804,1	94,6
26.09	24.011	47 кун стратиф.	93	12,9	36.4±1.30	25	416.0	388,3	93,2
15.09	29.11	70 кун мевада сак.	89	2,5	29.6±1.45	5	83.3	80,0	96,1
20.09	29.11	1 йил куруқ сак.	82	Сийрак ниҳоллар					
29.11	29.11	Янги терилган	84	Сийрак ниҳоллар					

Қизил зиркнинг август охирларида тўлиқ пишиб етилмаган мевалардан тайёрланган уруғларини экиш ҳам баҳорда ниҳоллар чиқишини таъминламади. Сентябрь бошларида тайёрланган ва 68 кун мобайнида стратификация қилинган уруғлари 20,9% униш кўрсаткичига эга бўлди ва 666,6 минг дона/га ялпи кўчат чиқишини таъминлади. Сентябрь охирларида, яъни мевалар тўлиқ пишиб етилган даврда тайёрланган уруғлар 31,5% тупроқдан униш даражасини кўрсатди ва 1066,6 минг дона/га ялпи уруғкўчат чиқишини таъминлади. Унинг 93,1% стандарт кўчатларни ташкил этди.

Тангасимон зиркнинг ҳам август охирларида терилган уруғлари баҳорда ниҳоллар чиқишини таъминламади. Сентябрь бошларида терилган ва 68 кун мобайнида стратификация қилинган ҳамда ноябрнинг охирида экилган уруғлар 30,4 % униш даражасига эга бўлди ва 1050 минг дона /га ялпи уруғкўчатлар чиқишини таъминлади (3-жадвал).

Сентябрнинг охирида терилган ва 47 кун стратификация қилиб экилган тангасимон зирк уруғларда энг юқори – 42,4% униш даражаси қайд этилди ва 1483 минг дона/га ялпи уруғкўчат чиқишини таъминлади. Унинг 94,7% қисмини стандарт уруғкўчатлар ташкил этди (4-жадвал).

3-жадвал

Қизил зирк уруғларини териш ва экиш муддатларини уруғкўчатларни чиқиш миқдорига таъсири

Уруғни териш муддати	Уруғни экиш муддати	Экилган уруғлар ҳолати	Уруғларни ҳаётчанлиги, %	Уруғни тупроқда униш кўрсаткичи, %	Вегетация яқунида кўчатларнинг баландлиги, см	Кўчатларни ялпи чиқиш миқдори		Шу жумладан стандарт кўчатларнинг чиқиши	
						1 пог м/ дона	1 га/ минг дона	минг дона/ га	ялпи кўчатга нисбатан, %
23.08	27.08	Янги терилган	78	Ниҳоллар йўқ					
5.09	24.11	68 кун стратиф.	84	20,9	68.7±1.96	40	666,6	615,3	92,3
26.09	24.11	47 кун стратиф.	86	31,5	64.8±1.94	64	1066.6	993,0	93,1

4-жадвал

Тангасимон зирк уруғларини териш ва экиш муддатларини уруғкўчатларни чиқиш миқдорига таъсири

Уруғни териш муддати	Уруғни экиш муддати	Экилган уруғлар ҳолати	Уруғларни ҳаётчанлиги, %	Уруғни тупроқда униш кўрсаткичи, %	Вегетация яқунида кўчатларнинг баландлиги, см	Кўчатларни ялпи чиқиш миқдори		Шу жумладан стандарт кўчатларнинг чиқиши	
						1 пог м/ дона	1 га/ минг дона	минг дона/ га	ялпи кўчатга нисбатан %
23.08	27.08	Янги терилган	81	Ниҳоллар йўқ					
5.09	24.11	68 кун стратиф.	83	30,4	75.3±2.23	63	1050	977,5	93,1
26.09	24.011	47 кун стратиф.	86	42,4	71.7±2.50	89	1483	1404,7	94,7
18.09	29.11	65 кун стратиф.	84	25,9	72.3±1.52	51	850.0	775,2	91,2


Зирк уруғларида мавжуд тиним даври қорақанд зиркда чуқурроқ, қизил ва тангасимон зиркда ўртача даражада намоён бўлган. Унинг физиологик моҳияти эволюция жараёнида юзага келган биологик хусусият бўлиб, турларни сақлашга қаратилган.

Минерал ўғитлар қўллаш стандарт уруғкўчатлар чиқиш миқдорини назорат (ўғитсиз) вариантга нисбатан оширди. Биринчи вегетация яқунида энг яхши ўсиш кўрсаткичи тўлиқ ўғитланган – N₁₂₀P₉₀ K₆₀ вариантыда қайд этилди – уруғкўчатлар баландлиги 12,7±0,97 см ва – диаметри 2,4±0,08 мм га тенг бўлди. Энг паст кўрсаткичи назорат вариантыда қайд этилди: 6,7±0,59 см ва 1,7±0,05 мм.

Зирк уруғкўчатлари иккинчи вегетация бошида жуда эрта (февраль охири-март боши) куртакларида барглари ўсиб чиқсада, уларнинг фаол ўсиб ривожланиши май ойида бошланди. Уруғкўчатларнинг фаол ўсиш даври 15

июндан 15 июлгача бўлган даврда қайд этилди. Уруғкўчатлардаги 30 кунлик ўсиши назорат вариантыда 8,9 см, N₆₀ вариантыда-9,7 см, N₉₀ P₉₀ вариантыда-10,7 см, N₉₀ P₉₀ K₆₀ вариантыда-11,4 см, N₁₂₀N₉₀ вариантыда-12,1 см ни ташкил этди. Вегетациянинг кейинги даврида ойлик ўсиш сустлашди ва ўртача 3-4 см ни ташкил этди. Уруғкўчатларнинг вегетация якунида сақланиши биринчи йили 91,9-98,9 % ни, иккинчи йили 98,2-99,4 % ни ташкил этди.


Иккинчи вегетация якунларига кўра энг яхши ривожланган кўчатлар N₉₀P₉₀ K₆₀ вариантыда қайд этилди, уларнинг ўртача баландлиги 36,4±1,50 см ни ташкил этди. N₁₂₀P₉₀ вариантда бу кўрсаткич 35,7±1,55 см га тенг бўлди (2-расм).



2-расм. Икки йиллик қорақанд зирк уруғкўчатларини минерал ўғитлар меъёрлари таъсирида вегетация давридаги ўсиш динамикаси

Уруғкўчатларнинг ўртача баландлиги назорат вариантыдаги кўчатларнинг ўртача баландлигидан 61,0 % ва 57,9 % ортиши таъминланди. Уруғкўчатларнинг ўртача баландлиги N₆₀ вариантыда 31,4±1,20 см, N₉₀ P₉₀ вариантыда 34,6±1,40 см ни ташкил этди, яъни назоратга нисбатан ўртача баландлиги 38,9 % ва 33,2 % га ортди. Тажрибаларда синаб кўрилган минерал ўғитлар меъёрини ортиб бориши стандарт кўчатлар чиқиш миқдорини ҳам ортиб боришини таъминлади. N₉₀P₉₀, N₉₀ P₉₀ K₆₀ ва N₁₂₀P₉₀ вариантларида стандарт кўчатлар чиқиши 100 % ни ташкил этди. Назоратда бу кўрсаткич 87,4 % ни ташкил этди. Минерал ўғитларни қўллаш барча тажриба вариантларида назоратга нисбатан гектарига 150-225 минг дона қўшимча стандарт кўчатлар чиқишини таъминлади

Тажрибаларда А-1 (0,05% ли эритмаси), кетостин (0,01ли эритмаси) ва гетероауксин (0,005% ли эритмаси) каби фаол стимуляторлар синаб кўрилди. Ушбу тажрибаларда ёзги яшил қаламчалардан фойдаланилди. Қаламчалар 20 июлда қумли субстратга экилди. Қизил, тангасимон ва қорақанд зирк қаламчалари бошланғич даврда яшил барглр ҳосил қилди, лекин кейинчалик улар аста-секин қуриб қолдилар (3-расм).



3-расм. Минерал ўғитлар меъёрларини қорақанд зирк стандарт кўчатларини чиқишига таъсири (назоратга нисбатан)

Юлиана зиркининг назоратда экилган 50 дона қаламчасининг 24 таси илдиз олди (44%), А-1 стимулятори 50 та қаламчанинг 20 тасини илдиз олишини таъминлади (40%). Кетоксин стимулятори билан ишлов берилган қаламчаларнинг 50 тасидан 38 таси илдиз олди (76%). Энг самарали стимулятор гетероауксин бўлиб, у билан ишлов берилган қаламчалар 100% илдиз олиши кузатилди. Қаламчаларнинг барчасида 3-8 см ли биринчи тартибдаги илдизчалар, 0,5-3 см узунликдаги иккинчи тартибдаги илдиз попуклари пайдо бўлди.

Тунберг зиркидан тайёрланган қаламчаларга стимуляторларнинг таъсири самарали бўлди. Назоратдаги 50 та қаламчада 40 тасида илдиз олиши кузатилди (80%). А-1 стимулятори 50 тадан 47 та қаламчани (95%), кетоксин 50 тадан 40 та қаламчани (80%) ва гетероауксин 50 тадан 50 та қаламчани илдиз олишини таъминлади (100%). Ушбу тажрибаларда қорақанд, тангасимон ва қизил зирк қаламчаларини умуман илдиз олмаганлик сабабларини уларнинг ксерофитлиги деб ҳисоблаш мумкин. Ҳаддан зиёд намлик бу қаламчаларни чириб кетишига сабаб бўлди. Аксинча, Юлиана ва Тунберг зирклари мезофил ўсимликлар бўлганлиги сабабли сернам муҳитга ижобий реакция қилдилар ва илдиз олиш жараёнлари яхши кечди. Кўчатзорда зиркнинг 2 йиллик уруғкўчатларини етиштириш учун 1 гектарга қилинган жами харажатлари 16900,15 минг сўм/га ни ташкил этади. Жами етиштирилган кўчатларнинг 800 минг донаси стандарт кўчатлар бўлиб, ҳар бирининг етиштириш таннари 21,1 сўмни ташкил этди.

Ҳозирги вақтда 1 дона зирк уруғкўчатининг ўртача бозор баҳоси 1000 сўм бўлиб, кўчатларни сотишдан олинган пул тушуми 1 гектар ҳисобига 800000,0 минг сўмни ташкил этади. Кутилаётган соф даромад эса 783099,85 минг сўм бўлиши асосланди.

ХУЛОСА

1. Марказий Осиё республикаларида тарқалган 8 та зирк турининг (*B.oblonga*, *B.heteropoda*, *B.integgerima*, *B.nummularia*, *B.sibirica*, *B.kaschgarica*, *B.crataegina*, *B.densiflora*) 3 таси (*B.oblonga*, *B.integgerima*, *B.nummularia*) Ўзбекистон флорасида учраши қайд этилди.

2. Зирк меваларида полиморфизм кучли намоён бўлган: *B. oblonga* мевалари тўқ кўк-қора рангда бўлиб, ўртача узунлиги $9,9 \pm 0,04$ мм, диаметри $5,1 \pm 0,04$ мм, шакли чўзинчоқ, эллипссимон. *B. nummularia* мевалари пуштиқизил рангда бўлиб шарсимон, $6,3 \pm 0,04$ мм диаметрга эга. *B. integgerima* мевалари тўқ-қизил рангда бўлиб шакли чўзинчоқ, цилиндрсимон, узунлиги $9,0 \pm 0,13$ мм, диаметри $5,5 \pm 0,10$ мм га тенг.

3. Зирк уруғларини баҳорда униш даврининг узунлиги 31-34 кунни ташкил этади. Зиркнинг кузда экилган янги терилган уруғлари 183-205 кундан сўнг, 1 йиллик уруғлари 202-213 кундан сўнг униб чиқиши қайд этилди.

4. Зирк ниҳоллари асосан 2 уруғпаллалари бўлади. Уруғпалла остки қисми ёки гипокотиль қизғиш-пушти рангда, цилиндрик шаклда, 35-55 мм узунликда ва 0,8-12 мм диаметрга эгадир.

5. Қорақанд зирк ниҳолларини биринчи вегетация якунида энг яхши ўсиш кўрсаткичи тўлиқ ўғитланган- $N_{120}P_{90} K_{60}$ вариантыда қайд этилди-уруғкўчатлар баландлиги $12,7 \pm 0,97$ см ва диаметри $2,4 \pm 0,08$ мм га тенг бўлди. Энг паст ўсиш кўрсаткичи назорат вариантыда қайд этилди: $6,7 \pm 0,59$ см ва $1,7 \pm 0,05$ мм.

6. Иккинчи вегетация якунларига кўра энг яхши ривожланган кўчатлар $N_{90}P_{90} K_{60}$ вариантыда қайд этилди, уларнинг ўртача баландлиги $36,4 \pm 1,50$ см ни ташкил этади. $N_{120}P_{90}$ вариантда бу кўрсаткич $35,7 \pm 1,55$ см га тенг бўлди.

7. Юлиана зирки яшил қаламчаларини назоратда (оддий сув) 44% илдиз олиши қайд этилди, А-1 стимулятори таъсирида 40%, кетостин стимуляторида 76%, гетероауксинда 84% новда қаламчаларини илдиз олиши қайд этилди. Тунберг зиркида бу кўрсаткичлар 80%, 95%, 80% ва 100% га тенг бўлди. Энг самарали стимулятор гетероауксин бўлиб, у билан ишлов берилган қаламчалар 84-100% илдиз олишига эришилди.

8. Зиркларнинг 100 дона мева оғирлигига кўра Сижжак-3 (29,5 г) Нанай-5 (31,4 г) ва Чимган-8 (30,1 г) ва Сижжак-10 (41,5 г.) шакллари ажратилди. Буталарнинг ўртача ҳосилдорлиги 3-5,5 кг ни ташкил этади. Ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра ажратилган истиқболли Сижжак-1, Чимган-7, Чимган-8, Сижжак-10 шаклларида келгусида селекция мақсадларида фойдаланиш тавсия этилади.

9. Қизил зирк мевасида С витамини 102 мг%, тангасимон зирк мевасида - 176 мг% бўлса, қорақанд зирк меваларида - 100-185 мг% миқдорда мавжудлиги аниқланди. С витаминига бой зирк буталари сифатида Чимган атрофида ўсиб турган Чимган-6 (185,009 мг%) ва Чимган-8 (176,485 мг%) шакллари меваларида қайд этилди. Ушбу зирк турлари меваларини витаминли манба сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

10. Энг юқори манзаравийлик хусусиятлари кўрсаткичи Тунберг зирки (94 балл), оддий зирк (96 балл) ва Юлиана зирк (90 балл) турларида қайд этилди. Ушбу манзарали зирк турларини кўкаламзорлаштириш ва ландшафт дизайнида фойдаланиш тавсия этилади.

11. Қорақанд зирк ниҳолларини баҳорда қийғос униши учун зирк уруғларини сентябр охирида териш ва меваларидан ажратиб олинган дарҳол тупроққа сепиш тавсия этилади.

12. Қизил ва тангасимон зирк уруғларини баҳорда қийғос унишига эришиш учун сентябрь охирида терилган уруғларни 55-60 кун стратификация қилиш ва кеч кузда тупроққа сепиш тавсия этилади.

13. Қорақанд зиркнинг стандарт кўчатларини чиқиш миқдорини ошириш учун уларни парваришлаш жараёнида $N_{90}P_{90}$ миқдорида минерал ўғитлар билан озиклантириш тавсия этилади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.27.06.2017.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ АГРАРНОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ЧОРШАНБИЕВ ФАРХОД МАХМАТМУРОДОВИЧ

**БИОЭКОЛОГИЯ И ТЕХНОЛОГИЯ РАЗМНОЖЕНИЯ БАРБАРИСА
(*BERBERIS L.*)**

**06.03.01 – Лесные культуры. Селекция, семеноводство и озеленение городов.
Агролесомелиорация и защитное лесоразведение**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ–2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.3.PhD/Qx195.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Кайимов Абдихалил

доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты:

Каримов Фарход Исамиддинович

доктор биологических наук

Файзиев Жамолиддин Носирович

кандидат сельскохозяйственных наук

Ведущая организация:

Научно-исследовательский институт лесного хозяйства

Защита диссертации состоится 6 октября 2018 года в 14⁰⁰ часов на заседании разового Научного совета на основе Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, Ташкент, улица Университетская, дом 2. Тел.: (+99871) 260-48-00, факс: (+99871) 260-38-60, e-mail: tuag-info@edu.uz. Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж, конференц зал).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована за № 535598). (Адрес: 100140, Ташкент, улица Университетская, дом 2. Ташкентский государственный аграрный университет здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан 17 сентября 2018 года.
(реестр протокола рассылки № 1 от 28 августа 2018 года).

Б.А. Сулаймонов

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.б.н., академик

Я.Х. Юлдашов

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.с.х.н., доцент

М.М. Адиллов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.с.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире особое внимание уделяется введению в культуру нетрадиционных ягодных кустарников, наиболее полному использованию их лекарственных, мелиоративных и декоративных свойств их, расширению производства лекарств естественного происхождения. Барбарис занимает особое место среди них и является ценным растением, внесенным в Фармакопею стран Европы и СНГ благодаря своим полезным свойствам и масштабам практического использования. В последнее время по выращиванию в промышленных масштабах и экспорту барбариса Иран занимает первое место в мире: где в год собирают 360 тонн плодов барбариса, которые экспортируются в 31 страну¹.

В Российской Федерации также растут масштабы использования видов барбариса в качестве ягодного растения. Плоды барбариса являются ценным сырьем для пищевой промышленности. Это растение богато алкалоидом берберин. Барбарис продолговатый (*Berberis oblonga* L.) содержит около 15 видов алкалоидов, в коре корня содержится около 2% берберина. Виды барбариса имеют красноватые, золотисто-желтые листья, которые широко используются в озеленении и ландшафтном дизайне.

Важное значение имеет рациональное использование лесных земельных ресурсов, расширение посевных площадей лекарственных и пищевых растений и выпуск продукции, соответствующей мировым стандартам экспорта. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годы одной из важнейших стратегических задач обозначена «...оптимизация посевных площадей и структуры посевных культур, внедрение передовых агротехнологий и повышение урожайности»². В этой связи важное значение приобретает расширение научных исследований по разработке и внедрению технологий выращивания стандартных семян с учетом биологических свойств лекарственных и пищевых растений. Актуальным для лесного хозяйства является отбор, оценка перспективных форм барбариса, выявление возможностей их размножения, разработка технологии выращивания семян.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 5 августа 2013 года № 222 «О создании промышленных плантаций лекарственных растений для организации предприятий по лекарственному растениеводству и выпуску новых лекарственных средств» и постановлении протокола заседания № 5 Кабинета Министров Республики Узбекистан от 19 января 2015 года «О мерах по развитию системы лесного хозяйства и расширению выращивания, заготовки и переработки сырья лекарственных и пищевых растений в 2015-2017 годах», а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

¹www.iransegodnya.ru

²Постановления Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «Стратегия развития по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. По совершенствованию технологии размножения барбариса, выращиванию сеянцев и закладке плантаций, изучению селекции, ресурсов, биохимического состава данного растения в России, Иране, Украине, США масштабные исследования проводились такими учеными, как В.Ю. Жиленко, И.Э. Акопова, А.И. Потапальский, В.Д. Васильева, А.И. Шретер, А.И. Цесько, Л.А. Сдобникова, О.Н. Виноградова, М.Г. Николаева, А.С. Лозина-Лозинская, Н.М. Павлова, Л.Н. Слизык, В.А. Пугач, Е.Л. Cenner, P. Rudolf, W.A. Ahrendt³. В СНГ, в частности в Узбекистане род барбарис (*Berberis* L.) впервые был подвергнут флористическому анализу Б.А. Федченко.

